O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI TOSHKENT SHAHAR HOKIMINING QARORI

20 21 yil « 12» февраль 158 -son Toshkent sh.

Янгиҳаёт туманининг ер солиғи тўлаш ставкаси бўйича зона чегараларининг схемаси ва тавсифларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикасининг Ер ("Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси", 1998 йил, 5-6-сонлар, 82-модда) ва Солиқ кодексларига (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 31.12.2019 йил) асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2020 йил 11 сентябрдаги "Тошкент вилояти Зангиота, Қуйичирчиқ, Янгийўл ва Ўртачирчиқ туманларининг, Тошкент шаҳри Сергели ва Бектемир туманларининг, шунингдек Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрининг чегараларини ўзгартириш ҳамда Тошкент шаҳри таркибида Янгиҳаёт туманини ташкил этиш тўғрисида"ги СҚ-135-IV-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 11 ноябрдаги "Тошкент шаҳри такибида Янгиҳаёт туманини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси 12.11.2020 й.) ПҚ-4888-сон, Тошкент шаҳар ҳокимининг 2020 йил 13 ноябрдаги 1054-сон қарорларини ва Кадастр агентлиги Тошкент шаҳар бошқармасининг 2020 йил 11 декабрдаги 1061/д-сонли хатини инобатга олиб,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳрининг Янгиҳаёт тумани ҳудудининг ер солиғи тўлаш ставкаси бўйича зона чегараларининг схемаси 1-иловага мувофиқ, мазкур зона чегараларининг тавсифлари 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Кадастр агентлиги Тошкент шаҳар бошқармаси (М.Файзуллаев), Тошкент шаҳар Давлат солиқ бошқармаси (Н.Турсунов), Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси (Ж.Арашов) бир ой муддатда:

Тошкент шаҳар ҳокимининг 2015 йил 24 февралдаги 162-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши бўйича таклиф киритилсин;

мазкур қарорга асосан ҳужжатларга ўрнатилган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритилсин.

3. “Тошкент оқшоми” ва “Вечерний Ташкент” газеталари таҳририяти (А.Акромов), Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот ва коммуникация технологияларини ривожлантириш бўлими (А.Ахмаджонов):

мазкур қарор расмий эълон қилиниши, www.toshkent.uz веб-сайтига жойлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

5. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Хидоятов зиммасига юклатилсин.

Тошкент шаҳар ҳокими **Ж.Артикходжаев**

нлова - 1 Т.Ш.Х - 158к.

Приложение
к письму НПО 1913 07.12.20й
ТОШКЕНТБОШПЛАН ЛИТИ



ТАШКЕНТ
ЭКОНОМИЧЕСКИЕ ЗОНЫ
Предложение

- 1 - Зона
- 2 - Зона
- 3 - Зона
- 4 - Зона
- 5 - Зона
- Граница города
- Граница районов

Изменение границ согласно Постановлению Сената - СК-135-IV от 11.09.2020 г.

Тошкент шаҳар хокимининг
2021 йил “12” февралдаги
“ 158 ”-сонли қарорига
2-илова

Ер солиғи тўлаш ставкаси бўйича Янгихаёт туманининг зона чегараларининг тавсифлари

4-Зона (1-бўғим) ушбу бўғимнинг ҳисоб нуқтаси қилиб Тошкент Самарқанд темир йўли ва Метрополитен кесишув нуқтаси қабул қилинган.

Тошкент Самарқанд темир йўли ва Метрополитен кесишув нуқтасидан Метрополитеннинг (Янгихаёт туманининг маьмурий чегараси бўйлаб), Қипчоқ кўчасининг кесишув нуқтасигача, Қипчоқ кўчасининг Тошкент Ангрен темир йул кесишув нуқтасигача, Тошкент Ангрен темир йул йўналиши бўйлаб Дарё бўйи кўчаси кесишган жойигача, Тошкент Ангрен темир йул йўналиши бўйлаб Дарё бўйи кўчаси кесишган нуқтасининг ўнг томони бўйлаб Райхон кўчасигача, Райхон кўчаси бўйлаб (Райхон кўчаси 75-уйгача) Райхон кўчаси 75-уйнинг ўнг томони бўйлаб Чортоқ кўчаси кесишувигача, Чортоқ кўчаси чап томони бўйлаб Марказий кўча кесишувигача, Марказий кўча бўйлаб Янги Тошкент ҳалқа автомобил йўли кесишувигача, Янги Тошкент ҳалқа автомобил йўли ўнг томони бўйлаб Тошкент вилояти Зангиота тумани маъмурий чегара кесишувигача, Тошкент вилояти Зангиота тумани Тошкент шаҳар Янгихаёт тумани маъмурий чегаралари бўйлаб Тошкент Самарқанд темир йўл кесишувигача, Тошкент Самарқанд темир йўл бўйлаб Метрополитен кесишув нуқтасигача бўлган худуд.

5-Зона (2-бўғим) ушбу бўимнинг хисоб нуқтаси қилиб Тошкент Ангрен темир йул йўналиши бўйлаб Дарё бўйи кўчаси кесишув нуқтаси қабул қилинган.

Тошкент Ангрен темир йул йўналиши бўйлаб Дарё бўйи кўчаси кесишган жойидан Чирчиқ дарёсигача (Сергели тумани маъмурий чегараси бўйлаб), Чирчиқ дарёсининг чап томони бўйлаб Тошкент вилояти Ўрта чирчиқ ва Тошкент шаҳар Янгихаёт туманининг маъмурий чегаралари бўйлаб Янги Тошкент ҳалқа автомобил йўлигача, Янги Тошкент ҳалқа автомобил йўлининг ўнг томони бўйлаб Янги Тошкент ҳалқа автомобил йўли ва Марказий кўча кесишувигача, Марказий кўчанинг ўнг томони бўйлаб Чортоқ кўчаси кесишувигача, Чортоқ ва Марказий кўчаларнинг кесишувининг чап томони бўйлаб Чортоқ ва Райхон кўчалари

кесишувигача, Чортор ва Райхон кўчалари кесишувининг ўнг томони бўйлаб Райхон кўчаси 75-уйгача, Райхон кўчасининг чап томони бўйлаб Дарё бўйи кўчаси ва Тошкент Ангрен темир йул кесишув нуқтасигача бўлган худуд.